



ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР
ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ.

МЕХАНИЗМЫ РАЗРЕШЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ СПОРОВ В
ПРОЦЕССЕ МЕЖЛИЧНОСТНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.

Шоназаров Жамол Умирзокович

*Халқаро инновацион университети “Психология ва жисмоний маданият”
кафедраси мудири, доцент.*

Email: jshonazarov1331@gmail.com

Нурматов Эрали Омон ўғли

Халқаро инновацион университети

“Психология ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси

Orcid: 0009-0003-3812-3997

Email: eraliomon010112@gmail.com

Аннотация: *Мазкур мақолада педагогик жараёнда замонавий ўқитувчи шахси, унинг ижтимоий-психологик тайёргарлиги, ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариши фаолиятига оид масалалар баён этилган.*

Шунингдек, педагогик амалиётда учрайдиган муаммоли вазиятлар, педагогик низолар, уларнинг кўринишлари, педагогик конфликтларнинг келиб чиқиши ва бартараф этиши йўллари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *педагогик жараён, ўқитувчи шахси, педагогик маҳорат, педагогик тажриба, ижтимоий-психологик тайёргарлик, конфликт, педагогик низо, бошқариши, назорат, педагогик амалиёт, муаммоли вазият, суҳбат.*

Аннотация: *В статье рассматриваются вопросы, связанные с личностью современного учителя в педагогическом процессе, его социально-психологической подготовкой, эффективным управлением образовательным процессом.*

Также рассматриваются проблемные ситуации, встречающиеся в педагогической практике, педагогические конфликты, их проявления, причины возникновения педагогических конфликтов и пути их устранения.

Ключевые слова: *педагогический процесс, личность учителя, педагогическое мастерство, педагогический опыт, социально-психологическая подготовка, конфликт, педагогический конфликт, управление, контроль, педагогическая практика, проблемная ситуация, беседа.*

Бугунги кунда замонавий ўқитувчи ижтимоий психологик тайёргарликсиз аудиторияга кириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

механизмлардан фойдаланишни билиши зарур. Шахсни шаклланишида у яшаётган муҳит, кишилар ва жамиятнинг роли жуда каттадир. Чунки, ижтимоий муҳитдаги турли ҳодисалар одамнинг онгига бевосита таъсир қилиб, унда чуқур из қолдиради. Ўқитувчи шуларни ҳисобга олган ҳолда болаларни психикасини ва характерини ўрганиши ва шу асосда ўқитишнинг аниқ ва изчил тизимини ишлаб чиқиши лозим.

Педагогик фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир ўқитувчи ўзининг бурчий масъулиятини бажарар экан, у авваломбор ҳар томонлама маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган баркамол инсон бўлиши зарур. Шунингдек, ўқитувчи педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон, ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, назарий билимларни мукамал эгаллаган диний ва дунёвий билимлардан хабардор, маънавий баркамол инсон бўлиши керак. Шу жиҳатдан таълим-тарбиянинг самараси, таъсирчанлиги, аввало ўқитувчига, унинг билим савиясига, касбий тайёргарлигига ва педагогик маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчи ижодий фикрловчи: умуминсоний ва миллий кадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган бўлиши, ўз касби ва болаларни яхши кўрадиган инсонпарвар адолатли, талабчан, одобли, ҳар бир ўқувчиси улғайиб келажакда яхши инсон бўлишига ишонадиган, уларнинг баркамол шахс, ишбилармон киши бўлиб етишишига кўмаклашадиган мутахассис бўлмоғи лозим. Педагогик конфликтни юзага келтирмаслиги учун ўқитувчи нозик психолог ва моҳир педагог бўлиши лозим.

Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта уйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижаларни беради. Таълим жараёнида ўқитувчи режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби вазифаларни бажаради. Ўқув жараёнининг самарали ташкил этилиши ва таълимдан кўзланган мақсадга эришиш кўпроқ ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига боғлиқдир. Шу боисдан, ўқитувчи педагогик маҳоратининг асоси ўз устида ишлаб бориш – мустақил ўқиш ҳамда педагогик тажриба орттиришидир [1]. Одатда таълим жараёнини самарали бошқариш ўқитувчи томонидан ўқув машғулотларини илмий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, олиб бориш ва натижаларни ҳолис, тизимли таҳлил этишга доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишига боғлиқ. Шу сабабли ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқаришда режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш босқичлари асосида тўғри олиб борилиши педагогик жараённинг самарали бўлиши ёки педагогик низоларнинг бартараф этилишида асосий омилдир. Агарда таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини бошқаришда ўқитувчи уни тўғри йўналтириш вазифасини бажарса, назорат ўқувчилар фаолиятининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилишини таъминлайди. Таълим жараёни бўйича натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилишда





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Ўқитувчи таълим жараёнининг қандай олиб борилаётганлигин билиш, ютуқлар омилларини ўрганиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашга эътибор қаратиши муҳим ҳисобланади. Чунки педагогик амалиётда педагогик назарияда айтилмаган муаммоли вазиятлар, педагогик низолар мавжуд ва учраб туради.


Педагогик низо – ўқитувчи ва талаба, ота-она, ҳамкасблар ёки раҳбарият ўртасида педагогик жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, тўсатдан, тасодифан юзага келадиган муаммоли вазият, педагогик вазифадир.

Педагогик жараёнда юзага келадиган педагогик низолар турли хил кўринишда бўлиб, улар ўзаро англашилмовчилик, қутилмаган вазиятда, зўриқиш, ноқулайлик, ички ёки ташқи хавотир, бартараф этиш қийин бўлган кўрқув каби асосий белгилар бўйича юзага келади [2]. Шунингдек, педагогик низоларнинг келиб чиқишига муайян омиллар таъсир қилади ва бу омилларнинг моҳиятини ҳар бир ўқитувчи билиш зарур. Бу эса педагогик низоларда ўқитувчининг ўқувчи билан ўзаро муносабатларида адолатсизликларга, ижтимоий муносабатлардаги яққаҳоқимликка йўл қўйиб бўлмасликка ўргатади.

Педагогик касбини танлаган киши аввало соғлом, босиқ ва асаблари жойида бўлиши, бошқалар билан муомалада ўзини тўта олиши зарур. Шунингдек, болаларни ёқтириш, улар билан ишлашга майли борлик, хушмуомалалик, кузатувчанлик, кенг фикрлай олиш, юксак муомала маданиятига эга бўлиши педагогик жараёнда юзага келадиган айрим низоларни олдини олиш ва уларни бартараф этишда муҳим омиллардан биридир. Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қилади, уларнинг яхши ишларини маъқуллайди, билимини баҳолайди, ножўя хатти-ҳаракатлари учун танбеҳ беради. У ҳаммага айнан бирдек жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин, лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан холис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, адолатли киши бўлиши лозим. Педагогик низолар, зиддиятлар, тўқнашув, қарама-қаршилик, можароларни ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида юзага келмаслиги учун ўқитувчи зиддиятларни олдини ола билиши лозимдир. Замонавий тарзда низоларни бошқаришда, аввало уларнинг олдини олиш, ёки юзага келган зиддиятли муносабатларнинг тўғри ечимини топишимиз зарур [3]. Бу каби педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор йўл тугилади. Жумладан, улар орасида энг самарали йўллар қуйидагилар саналади:

- Низонинг таъсир доирасини кенгайтирмаслик.
- қулай ечимларни таклиф қилиш;
- ман этилган усулларни қўлламамаслик, шакллардан фойдаланмаслик;
- шикоятлар сонини қисқартириш;
- иккинчи даражали масалаларни ҳам узвий

равишда ҳал қилиб бориш ҳамда низога киришган субъектлар шахсини камситадиган сўзлардан фойдаланмаслик.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Педагогик фаолиятни бошқаришда ҳар бир ўқитувчи педагогик низоларни ҳал этиш усулларини билиши ва улардан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу усулларга суҳбат, маслаҳат, ишонтириш, низога киришувчиларга қўйилган талаблар ёки иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларининг нотўғрилигини тушунтириш ва бошқа усуллар киради. Шунингдек, педагоглар педагогик фаолиятда педагогик низо иштирокчиларига педагогик ёрдам кўрсата олиш имкониятига ҳам эга бўлишлари зарур.

Демак, ўқув-тарбия жараёни мураккаб жараён сифатида ўқитувчидан юксак педагогик билимдонлик, педагогик қобилият ва педагогик техника каби маҳорат сирларини эгаллашни талаб этади. Чунки, мавжуд низоларни ҳал этиш учун маҳоратли педагог низодан хулоса чиқариш, низонинг асосида ётган сабабга эътибор қаратиши, низони ҳал этишда босиқ, кенг мушоҳадага эга, чуқур мулоҳазали бўлиши, низони ҳамжиҳатли ва қисқа вақтда ҳал этиш қоидаларига амал қилиши лозим. Педагогик жараёндаги юзага келган конфликтларни бартараф этиш бевосита ўқитувчининг педагогик ахлоқи ва одобига боғлиқ. Чунки педагогик фаолиятда унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим ва тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи муҳим талаб ҳамда омиллардан бири саналади [4]. Шу каби касбий маҳоратга эришган ўқитувчигина таълим-тарбия жараёнини яхши бошқаради ва муаммола вазиятларга тўғри ечим топа олади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ҳар бир педагог педагогик фаолиятда юзага келадиган низоларни педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиб, таҳлил қилиши, педагогик вазифаларни тўғри ва одилонга ҳал этишда илғор педагогик тажрибаларни эгаллаши ва педагогик жараёнда ўз устида тинимсиз ўқиши, изланиши, лозим бўлса ўз фаолиятини онгли ва тизимли ривожлантириши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова М.Т, Шайзакова Н.С. Низоларнинг юзага келишдаги шарт - шароитлар, шахс тоифалари ва уларнинг хислатлари. Мактаб ва ҳаёт. -Т.: 2014.2-сон. 2-4 бет.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство/учебное пособие для магистратуры всех специальностей. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003. – 192с.
3. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. 120-бет.
4. Шоназаров Ж.У. Узлуксиз таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. –Қ.: “BIG MARKO WORD”, 2025. - 380 б.

